

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЁШЛАР ОНГИДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ЗАРУРИЯТИ

Ёкубов Сухроб Фирдавсович

СамДЧТИ англиз филологияси ва таржимашунослик факультети тьютори

Инсоният ўз тараққиёт йўлида ҳамкорликда ва ҳамжихатликда ҳал етиши лозим бўлган муаммолар кўлами, соҳалари тобора орта бормоқда. Янги минг йилликда бу ўзгаришлар янада чуқурлашуви ва халқаро аҳамиятга ега бўлиб бориши табиийдир. Глобаллашув ўз моҳияти жиҳатидан коинотимиздаги ҳар бир инсон, ҳар бир давлат, қолаверса жаҳон ҳамжамиятини бефарқ қолдирмайдиган ва уни фақатгина ҳамкорликдагина ҳал етилиши лозим бўлган муаммоларни ўз таркибига олади. Бугунги кунда бутун инсоният ҳаёти ва мамоти масаласини қамраб олган глобал муаммолар мисли кўрилмаган долзарблиги ва кескинлиги билан майдонга чиқди.

Глобаллашув бу “бутун жаҳоннинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва диний жиҳатдан интеграциялашуви ва унификациялашуви жараёни¹” бўлиб, даставвал иқтисодий жиҳатдан ҳамкорликнинг ўзига хос кўриниши, турли мамлакатлар ва минтақаларнинг иқтисодий муносабатларида умумий манфаатлар йўлида табиий равишда яқинлашуви сифатида талқин қилинган. Шу ўринда глобаллашув сўзи ўзи нима эканлиги, тўғрироғи туб луғавий маъносини аниқлаб олсак, “Глобал” атамаси франсуз тилида глобал-“умумий”, лотин тилида глобус-“шар” деган маъноларни англатади. Яъни, глобаллашув “ҳаммасини тўлиқ қамраб олувчи” атама сифатида шарҳланиши мумкин.

Дарҳақиқат бугун глобаллашув жараёни таъсир кўрсатмаган бирорта жараён, ижтимоий институт ёки географик минтақанинг ўзи мавжуд эмас. Бунга кучли мамлакатлар миллий давлатларни кучсизлантириш (уларга узоқ муддатли қарз бериб, аслида иқтисодий тузоққа тушириш), миллий ва табиий ресурсларни сотиб олиш ва хусусийлаштириш орқали еришмоқдалар.²

Глобаллашув даврида ижтимоий онг ҳамда фаолиятнинг барча шаклларида бўлгани каби ахлоқ ва диннинг ҳам глобаллашуви рўй бермоқда, уларнинг ички структурасида ва ижтимоий ҳаётда амалга ошириб келган вазифаларида сифатий ўзгаришларга учради ва ушбу жараён бугунги кунда ҳам давом этмоқда. “Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир куралига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар”³. Маданий-маънавий ҳаёт соҳаларининг глобаллашув деб жаҳонда бозор иқтисодиёти талабларидан

¹ Глебов Г. И., Милаева О. В. Современные международные отношения. Учебное пособие. — Пенза: Изд. Пенз. гос. ун-та, 2010. — 98 с.

² Қаранг: Перкинс Д. «Исповедь экономического убийцы», М., «Претекст», 2007

³ Ислом Каримов. Юсак маънавият-енгилмас куч. Тошкент “Маънавият”, 2008 йил. 113 бет.

келиб чиққан ҳолда мазмунан кўпроқ даромад топишга қаратилган, шаклан турли хил кўринишга ега бўлган, моҳиятан ўзга елат, миллат, халқларнинг асрлар мобайнида шаклланган миллий қадриятларини ичидан парчалаб ташлаш евазига, уларни маданий-маънавий қарамликка маҳкум қилишга йўғрилган катта молиявий қудратга ега бўлган давлат ва шахслар томонидан тез суръатлар билан содир этилаётган ҳодисалар тизимига айтилади. Маданият соҳасида истеъмолчилик кайфиятининг шаклланиши миллий маънавиятнинг такомиллашиб, янада бойиб боришига салбий таъсир кўрсатади. Чунки истеъмолчилик кайфияти кучайган жамият аъзолари ўз миллий маънавиятини янги асосларда бойитишдан кўра тайёрига тақлид қилиш, уни ўз маънавиятининг таркибига киритишга мойил бўлишади. Бу еса жамият аъзоларини маънавий қарамликка олиб келади. Айниқса бу ёшлар онги ва дунёқарашига жуда кескин таъсир ўтказиши мумкин. Чунки, ҳар бир жамиятда қандай мақсадда бўлмасин янги ғоя ва концепцияларга нисбатан ёшлар ўз муносабатини билдиради ва аҳолининг бошқа қатламига нисбатан тезроқ қабул қилади. Чунки ёшлар физиологик ва психологик жиҳатдан ҳали шаклланиш босқичида бўлгани учун уларда янгиликларга нисбатан қизиқиш кучли бўлади ва уни эътиқодига айлантириш эҳтиёжи катта бўлади. Шунингдек, ёшлар ўзларининг ижтимоий-руҳий ва бошқа жиҳатларига кўра салбий ҳодисаларга тез берилувчанлик, жамиятдаги ўзгарувчан шароитга мослашиш қобилиятининг юқори эканлиги билан ажралиб туради. Улар жамиятнинг шундай ижтимоий гуруҳига мансубки, улар ўткир ҳиссий билиш қобилиятига эга бўлиб, сўз билан амалиётнинг номутаносиблиги ҳолатларини кучлироқ сезадилар. Катталар учун одатий бўлган айрим "адолацизлик"лар ёшларнинг ҳали тўлиқ шаклланмаган онгига, дунёқарашига кучли зиён етказиши мумкин. Шунинг учун ҳозирги кунда ёшларда миллий ўзликни англаш, миллий ва умумбашарий қадриятларга содиқлик ҳамда маънавий-руҳий ҳолатлар муҳим аҳамиятга эга.

Эндиликда маданий истеъмолчилик кайфиятининг ривожланиши маданий ва маънавий бойликларга нисбатан муносабатга, шу билан бирга миллий маънавиятнинг реал ҳаётдаги ифодаси бўлмиш урф-одатлар, анъана ва маросимлар, қадриятларга нисбатан ҳам салбий таъсир кўрсатади. Уларни кишилар ҳаётдан сиқиб чиқаради. Бугун ёшлар орасида урф бўлиб бораётган очик-сочиқ кийиниш, муомалада миллий тилга еътиборсизлик, Европа менталитетига интилиш каби ҳолатларни кўплаб учратиш мумкин. Булар барчаси миллий маънавиятнинг ахлоқий асосларига путур етказади.

Глобаллашув шароитида маданиятлараро интеграсия енг аввало, маънавий-ахлоқий ва маърифий мезонлар, умуминсоний қадриятлар асосига қурилмоғи лозим. Хўш, бундай мураккаб ва шиддатли кечаётган шароитларда, глобаллашувнинг ёшлар тарбиясига ўтказаетган салбий таъсирларидан қандай ҳимояланиш мумкин?

Фикримизча, бунинг учун қуйидаги йўналишларга асосий еътибор қаратиш лозим:

— миллий ва умуминсоний кадриятларнинг уйғунлигига еришиш. Бунда, асрлар оша қон-қонимизга сингиб кетган ота-онани улуғлаш, оилани муқаддас сақлаш, фарзанднинг бурчи, ўзаро меҳр-оқибат, ифбат, ор-номус, ҳаё каби фазилатлар, устоз ва шогирдлар одоби каби езгу кадриятларга содиқ қолиш;

— ёшлар онгини шакллантиришга оид умумбашарий тажрибаларнинг ютуқ ва камчиликларини ўрганиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, бошқа миллатларни ҳурмат қилиш, уларнинг маданияти ва миллий кадриятларига онгли ёндашиш, ижтимоий муносабатларда инсонпарварлик, бағрикенглик ғояларининг акс етиши;

— тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил етишда ёшларнинг истак ва хоҳишларини инобатга олиш, унда ҳар қандай зўрлик ва мажбурловлардан воз кечиш, ёшларнинг асосий қизиқиши ва фаолият доирасини ташкил етаётган турли хил соҳаларни тарбия жараёнида тўлиқ қамраб олиш. Бунда, ахборотли технологиялар (оммавий ахборот воситалари — газета, журнал, радио, телевидение ва интернет) хизматидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш, миллий кадриятларимизни ўзида акс еттирадиган интернет сайтлари, мултимедия ва роликларни кўпайтириш. Ёшлар онгига ижобий таъсир етувчи мусиқа ва кино санъатининг тарбиявий имкониятларидан фойдаланиш;

— миллий интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш. Бунинг учун таълим ва миллий тарбияни ривожлантириш, урф-одат, анъана ва кадриятларни умумбашарий кадриятларга уйғун ҳолда ёшлар дунёқарашининг ажралмас қисмига айлантириш. Ёшларнинг сиёсий онгини, ҳуқуқий, ахлоқий, естетик маданиятини юксалтириш;

— ёшларда умуммиллий ва жамият манфаатларини шахсий манфаатлардан юқори қўя олишлари, жамият ва миллат олдидаги инсоний бурчларини тўлақонли англашлари, халқ бахт-саодати ҳамда юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилишларига еришиш учун ижтимоий ва психологик шароит яратиш;

— ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, миллий ғоя тарғиботини изчил давом еттириш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг қарор топиши, шунингдек, таълим-тарбия жараёнида ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш масаласига алоҳида еътибор қаратилиши глобаллашув шароитида тарбия жараёнининг муваффақиятини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда глобаллашув жараёни мураккаб ва зиддиятли характерга ега бўлиб, ўзида инсоният тараққиётининг обектив ривожланиш хусусиятларини акс еттирмоқда. Мана шундай бир вазиятда инсоннинг руҳий-маънавий ўзлигини англаши янада муҳим аҳамиятга ега бўлади. Ўзликни билиш инсон учун ҳам, миллат учун ҳам бош олий мақсад ва қолган барча муҳим ва юксак ғояларни ҳам, шу жумладан, давлат қуриш дастурини ҳам ўз мазмунига олишидадир. Зеро, фақат ўзлигини била олмаган, маънавияти, руҳияти тубан киши ва шундай кишилар жамиятигина ҳар кимнинг қўлида қўғирчоқ бўлиши, турли шов-шувлар қурбони бўлиши мумкин. Бу ҳар бир инсондан

интеллектуал масъулиятни, руҳий-маънавий юксакликни, маънавий таҳдидларга нисбатан иммунитетни, бир сўз билан айтганда, маънавий ўз-ўзини ташкиллаштиришни талаб қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Глебов Г. И., Милаева О. В. Современные международные отношения. Учебное пособие. — Пенза: Изд. Пенз. гос. ун-та, 2010. — 98 с.
2. Перкинс Д. «Исповедь экономического убийцы», М., «Претекст», 2007
3. Каримов. И. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент “Маънавият”, 2008 йил. 113 бет.
4. Ж.Я.Яхшиликков, Н.Е. Муҳаммадиев. Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Дарслик. – Тошкент:..... 2018 . – б.
5. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Тошкент: Мухаррир нашриёти, 2009. - 64 б.